ЙОҲАНН ШИЛЬТБЕРГЕР ВА УНИНГ «САЁҲАТНОМА»СИ

А.Х. Турсунов

Мақолада Амир Темур ҳақида ҳам маълумотлар берувчи «Йоҳанн Шильтбергернинг Европа, Осиё ва Африка бўйлаб саёҳатлари (1394-1427 йиллар)» номли асарнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *китоб, жанр, муаррих, саёҳатнома, образ, мухораба, мазмун, ҳақиқат.*

В статье рассматриваются особенности «Путешествий Йоханна Шильтбергера по Европе, Азии и Африке (с 1394 по 1427г.)», дающие сведения и об Амире Темуре.

Ключевые слова: *книга, жанр, историк, образ, сражение, содержание, правда.*

The article discusses the features of «Johann Schiltberger's travels to Europe, Asia and Africa (from 1394 to 1427)», which giving information about Amir Temur.

Key words: *book, genre, historian, image, battle, content, truth.*

Ғарбий Европа мамлакатларининг кўп асрлик адабиётларида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб ёзилган турли жанрлардаги юзлаб асарлар мавжуд. Бироқ уларнинг орасида Соҳибқироннинг ҳам ғарблик, ҳам шарқлик замондошлари қаламига мансуб хотиралар жанрида ёзилган бир нечагина асар бор. Амир Темурнинг Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий, Ибн Арабшоҳ, Ҳафизи Абру, Мирхонд, Ибн Халдун каби шарқлик биографлари бутун дунёда яхши таниш бўлса-да, сиеналик (Италия) Бельтрамо де Мигнанелли ва мюнхенлик (Германия) Йоханн Шильтбергер каби ғарблик замондошларининг хотиралари Ўзбекистонда кам ўрганилган.

Йоҳанн Шильтбергер ҳақидаги маълумотлар жуда кам. Биз унинг европалик ҳукмдорлар усмонли туркларга қарши курашган даврларда яшаганини биламиз. Тарихдан яхши маълумки, 1352 йилдан 1396 йилгача Болқон ярим оролида Европа давлатлари қўшинлари билан усмонли туркларнинг қўшинлари ўртасида бир неча қонли тўқнашувлар рўй берган. Энг даҳшатли тўқнашув 1396 йил 15 сентябрда Дунай ирмоғи бўлмиш Шиль дарёси қирғоғида жойлашган Никополь (Болгария) шаҳри яқинида рўй берган ва насроний рицарлар мағлубияти билан якунланган.

Й.Шильтбергер усмонли туркларнинг ва Йилдирим Боязидга қарши жангда иштирок этган ва уларга асир тушган. Шильтбергер яна бошқа олтмиш банди билан Боязид томонидан Туркиянинг ўша пайтдаги пойтахти Брусса (Бурса)га олиб кетилган ва у ерда олти йил қолиб кетган.

Амир Темурнинг Яқин Шарқдаги етти йиллик юриши даврида (1399-1404) Миср мамлуклари билан иттифоқчилик шартномасида бўлган Султон Боязид султон Сайфуддин Баркуқ (1382-1399) нинг илтимосига биноан унинг ҳузурига ўттиз минг аскарлик жанговар қўшинни жўнатади. Йоҳанн Шильтбергер шу қўшин сафида Мисрга жўнатилади ва тахминларимизга қараганда 1401 охири ёки 1402 бошида Туркияга қайтади.

Анқара жангида (1402 йил 28 июль) Шильтбергер Амир Темур лашкарлари томонидан банди этилади ва Самарқандга олиб кетилади. Соҳибқирон вафоти (1405 йил 19 февраль)дан сўнг у дастлаб Амир Темурнинг Хуросондаги вакили Шохруҳ ҳузурида, сўнг Табризда шаҳзода Мироншох ҳузурида хизматда бўлади. Мироншох 1408 йил Қора-Юсуф Туркман билан муҳорабада ҳалок бўлгач, Шильтбергер унинг ўғли ва меросхўри шаҳзода Абубакр хизматига ўтади. Шильтбергернинг ёзишича, Абубакр ҳузурида у тўрт йил хизмат қилган. Шундан сўнг Шильтбергер Олтин Ўрда хонлари хизматида бўлган ва бу мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирган. 1427 йилда Батуми, Константинополь, Краков, Эгер, Регенсбург, Ланстут ва Фрейзинген орқали ўз ватанига қайтиб келган И.Шильтбергер хотиралар ёзиб қолдирган. Унинг туғилган ва ўлган йиллари аниқ эмас.

Румин олими М.Александреску-Дерска (Alexandrescu-Dersca) фикрича, унинг хотиралари илк бора 1557 йил Франкфуртда «Genfangenschaft in der Turkey» («Турк бандиси тарихи») номи остида нашр этилган. 1859 йилда эса Мюнхенда китобнинг бошқа бир варианти дабдабали «Reisen des Johannes Schiltberger aus Munchen in Europa, Asien und Afrika von 1394 bis 1427 (Йоҳанн Шильтбергернинг Европа, Осиё ва Африка бўйлаб 1394 йилдан 1427 йилгача саёҳати)» номи остида нашр этилди. Китоб рус (таржимон Ф.Браун, 1866), инглиз (таржимон Ж.Бушан Телфер, 1879) ва фран-

цуз (таржимон Жозеф Мюллер, 1882) тилларига таржима қилинган.

Шильтбергернинг «Саёҳатлар»и Болқон ярим ороли, Кичик Осиё, Эрон, Яқин Шарқ ва Олтин Ўрда мамлакатларидаги XIV нинг 80-90-йиллари ва XV аср бошидаги мураккаб ҳарбий-сиёсий ҳолат ҳақида маълумотларга эга. И.Шильтбергернинг Олтин Ўрданинг XV асрнинг биринчи чорагида, феодал курашлар ва сулолавий ихтилофлар кучайган пайтдаги ижтимоий-сиёсий ҳолати ҳақидаги маълумотлари алоҳида аҳамиятга эга. Шильтбергернинг фикрича XV аср бошида 25 йил давомида Олтин Ўрдада ўнта хон тахт алмашган.

Шильтбергер аҳолининг машғулоти, ахлоқи, одатлари ва диний этиқоди, шаҳарларнинг диққатга сазовор жойлари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтиради. «... аҳоли, - деб ёзади у, - донли ўсимликлардан фақат арпа экади. Улар умуман нон ейишмайди, шароб ҳам ичишмайди, уларнинг ўрнини бия ва туя сути босади; улар бу ҳайвонларнинг гўштини ҳам истеъмол қилишади. Таъкидлаш лозимки, бу давлатда подшо ва уламолар қишин-ёзин хотин, бола-чақалари, подалари ва бошқа мол-мулкини олиб, бир яйловдан иккинчи яйловга кўчиб юради» [1.59-60].

Шильтбергер шу қадар қизиқувчан ва кузатувчан инсон бўлганки, унинг назаридан кўчманчилар ҳаётининг энг майда икир-чикирлари ҳам четда қолмаган. «Уларнинг овқатлари етишмаганида (отларнинг) қонини чиқариб, ҳаммалари бир бўлиб уни қайнатганлари ва еганларининг ўзим гувоҳи бўлганман. Худди шундай агар тезгина йўлга чиқиш зарур бўлиб қолса, улар бир бўлак гўштни силлиқ бўлакларга бўлишади-да, эгарнинг тагига жойлашади. Оч қолганларида шу гўштни тузлаб, кейин ейишади ва ўзларини яхши таом тайёрлагандек тасаввур қилишади, зеро. йўл давомида эгарнинг тагидаги хом гўштнинг шираси оқиб кетади ва у отнинг иссиғидан қуриб қолади. Улар (кўчманчилар) бошқача усулда овқат тайёрлашга вақтлари бўлмаганида шундай қиладилар» [1.60].

Шильтбергер Амир Темур ҳақида, унинг ворислари ва қариндошлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтади. Масалан, у Мироншоҳ ҳақида, Шоҳруҳ ва Абубакр ҳақида сўз юритади. Асарнинг XIV-XXIV боблари уларга бағишланган. Бошқа бобларда эса фақат таниқли маълумотлар қайд этилади. Бироқ Шильтбергер келтирган айрим маълумотлар Ўрта асрларда яшаган бошқа муаллифлар томонидан ҳам тасдиқланади. Бир мисол келтирамиз.

«Амир Темур Севастия салтанатини қандай қилиб қўлга киритгани ҳақида» деб номланувчи XII бобда Шильтбергер ёзади: «У (Амир Темур – Т.А.) шунда бир миллион лашкар жамлади, Севастияга йўл солди ва уни уч ҳафта қамал қилди. Ниҳоят, шаҳар деворлари остини ковлаб, шаҳарни ҳам қўлга киритди – у ерда Боязид юборган *беш минг суворий* ҳам бор эди. *Уларнинг барчаси тириклайин кўмилди*, зеро Амир Темур шаҳар ҳокимига қон тўкмасликка ваъда берганди» [1.32, таъкид бизники – Т.А.].

Абул-Мағазин ва Ибн Арабшох ҳам 1400 йилда ўн саккиз кунлик қамалдан сўнг қўлга киритилган Сивос шаҳри аҳолисига кўрсатилган шафқатсизликни худди Шильтбергердек тасвирлашади. Арабшоҳда, масалан, тириклайин кўмилган шаҳар ҳимоячиларининг сони Шильтбергерга қараганда бир мунча кам – *уч минг* [2.195].

Амир Темурнинг Шарафиддин Али Яздий ва Низомиддин Шомий каби мухлислари ҳам бу фалокат тафсилотларини баён этишда Шильтбергердан кўп фарқ қилишмайди. Али Яздий ёзади: «Боязиднинг суворийларининг кўпчилиги арманлар эди. Уларнинг сони *тўрт минг* кишига етарди. Бошқаларга ўрнак бўлсин учун уларнинг ҳаммасини чуқур ҳандоққа ташладилар ва тириклайин кўмдилар» [3.233].

Низомиддин Шомий ёзади: «Барча *тўрт минг* суворийни тутиш ва тириклайин кўмиш ҳақида фармон бўлди, бошқа ғанимларга ўрнак бўлсин учун шундай қилинди» [4.286].

Кўриниб турибдики, Шильтбергер келтирган рақам бошқа муаррихлар келтирган рақамларга деярли мос тушади.

Бироқ Шильтбергернинг «Саёҳатлар»ида айрим камчиликлар, тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатиш ҳоллари учрайди. Жумладан:

1) Амир Темур билан Боязид ўртасидаги нифоқ ҳақида сўз кетганда, Шильтбергер унинг асосий сабабчиси қилиб Осман (Усмон) номини келтиради. Гўёки у Соҳибқиронга мурожаат қилиб, Боязид тортиб олган Севастияни қайтиб олишда ёрдам сўрайди. Аслида бу Осман эмас, Тохиртен бўлиб, гап Севастия эмас, Эрзурум ва Эрзинжон ҳақида кетарди. Саҳифа ости изоҳида эса Шильтбергер ўзига ўзи қарши чиқади: «туркларнинг раҳнамоси ва усмонли Туркиянинг асосчиси Осман (1300-1324) назарда тутилмоқда».

2) Амир Темурнинг фарзандлари сони ҳам нотўғри кўрсатилган. Шильтбергернинг фикрича, унинг иккита ўғли бўлган: Шоҳруҳ ва Мироншоҳ. Назаримизда, Шилтьбергер Соҳибқироннинг у ўзи Мавороуннаҳрда «пайдо бўлишидан» олдинги ўғиллари – Жаҳонгир ва Умар Шайхни танимаган. У Шоҳруҳни Соҳибқироннинг катта ўғли деб атайди, аслида эса Шоҳруҳ кенжа ўғил бўлган;

3) «Вавилоннинг Темур томонидан забт этилиши» номли XV бобда ёзилишича: «Темур Боғдодни

босиб олгандан сўнг унга ўт қўйдирди, уй-жойлар кулга айланди ва бу ерларни ҳеч ким танимаслиги учун арпа эктирди». Соҳибқирон Боғдодни култепага айлантирмаган, бу тарихий хақиқатдан узоқ;

4) Шильтбергер Амир Темур ҳақида ҳикоя қилар экан, уни фақат шафқатсиз ва қаттиққўл босқинчи сифатида кўради. Темурнинг бошқа ижобий томонларини, яъни бунёдкор, фан ва маданият раҳномоси, қонун, тартиб-интизом ўрнатувчиси эканлигини кўра олмайди.

Бунга ўхшаш хато ва камчиликларни Шильтбергер «Саёҳатлар»ининг бошқа қисмларида ҳам учратиш мумкин. Шу сабабли ҳам машҳур рус тарихчиси Карамзин Шильтбергер ўзи тасвирлаган ўлкаларда чиндан ҳам бўлганини эҳтимолда тутса-да, ўзининг машҳур асарига ёзган иловалардан бирида унинг маълумот ва хабарларини ноаниқ ва маънисиз дейди. Таниқли француз темуршуноси Люсьен Керен эса «Саёҳатлар»нинг Амир Темур ва темурийлар ҳақида сўз борган бобларини текшириб кўриб, «хотиралар тарихий ҳужжат сифатида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас», деб ҳисоблайди [6.19]. Бундай деб ҳисоблашда олим Шильтбергернинг ўзига мурожаат қилади, зеро, немис рицари ўзининг Амир Темур ва темурийлар ҳузурида бўлган даврини бир жумла билан ифодалайди: «Шундай қилиб, мен Амир Темурга асир тушдим ва уни ўз ватанигача кузатиб бориб, ҳузурида хизматда бўлдим» [1.34]. Ўзининг 1402 йилдан 1417 йилгача – 15 йил давомида нима билан шуғулланган ҳақида эса лом-лим дейилмаган.

Шунга қарамай, Шильтбергернинг асари фойдадан холи эмаслигини ўз даврида Катрмер, Девизак, Сен Мартин, Хаммер-Пургштал каби қатор европалик олимлар қайд этганлар. Бизнингча ҳам, «Йоҳанн Шильтбергернинг Европа, Осиё ва Африка бўйлаб сафари (1394 йилдан 1427 йилгача)» Клавихонинг «Самарқандга, Амир Темур саройига саёҳат (1403-1406)» ва Султония архиепископи Иоаннинг «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар»и каби Туркия, Болқон, Олтин Ўрда ва Марказий Осиё давлатлари тарихини ўрганаётганларда қизиқиш уйғотиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Путешествия Йоҳанна Шильтбергера по Европе, Азии и Африке (с 1394 по 1427г.) - Т.: Шарқ, 1997.
2. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-Мақдур фи тарихи Таймур. 2 жилдли, ж.1. - Т.: Меҳнат, 1992.
3. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. - Т.: Шарқ, 1996.
4. Шомий Н. Зафарнома. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Moranville H. Memoire sur Tamerlan et sa cour par un Dominicain en 1403, Bibliotheque de l’Ecole des Chartes. - Paris, 1894.
6. Kehren L. A propos d’une des sources de l’histoire timuride. Un europeen dans l’armee de Tamerlan! // La Timuride, No 12, 1993.

Наманган давлат университети,
2017 йил 1 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. А.Абдуллажонов)

* Бу ерда ва бундан кейинги ўринлардаги таржималар мақола муаллифиники.